

**“APPROVED BY”**  
**Decision of 2<sup>nd</sup> Supervisory**  
**Board Meeting dd. March 6, 2020**

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**  
**Банк Кузатув Кенгашининг**  
**2020 йил 6 мартдаги**  
**2 - сонли мажлисига**  
**мувофиқ**



**CORPORATE GOVERNANCE POLICY**  
**/**  
**КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ СИЁСАТИ**

**Tashkent 2020 / Тошкент 2020**

## Table of Contents / Мундарижа

I. GENERAL PROVISIONS .....	3
I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.....	3
II. CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM OF THE BANK.....	4
II. БАНКНИНГ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ .....	4
III. GENERAL MEETING OF SHAREHOLDERS OF THE BANK.....	4
III. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ .....	4
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ .....	4
IV. SUPERVISORY BOARD OF THE BANK.....	5
IV. БАНКНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ .....	5
V. MANAGEMENT BOARD .....	8
V. БАНК БОШҚАРУВИ .....	8
VI. INTERNAL CONTROL BODIES OF THE BANK CORPORATE GOVERNANCE.....	9
VI. БАНК КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ .....	9
VII. ENSURING TRANSPARENCY OF BANKING ACTIVITY AND INFORMATION DISCLOSURE .....	13
VII. БАНК ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ .....	13
VIII. INTERNAL DOCUMENTS OF THE BANK DEFINING THE CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM .....	15
VIII. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН БАНКНИНГ ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАРИ.....	15
IX. FINAL PROVISIONS.....	16
IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР .....	16

**CORPORATE GOVERNANCE POLICY  
OF THE JOINT-STOCK COMPANY  
«KDB BANK UZBEKISTAN»**

**I. GENERAL PROVISIONS**

1.1. The present Corporate Governance Policy is designed to improve the effectiveness of corporate governance in the joint-stock company «KDB Bank Uzbekistan».

1.2. This Policy is developed in compliance with the current laws, including the new editions of Laws “On Banks and Banking Activity”, “On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights” and the Charter of JSC «KDB Bank Uzbekistan» (hereinafter referred to as the Bank).

1.3. Basic concepts:

**Bank** - “KDB Bank Uzbekistan” Joint-Stock Company;

**General Meeting of Shareholders of the Bank** - the supreme governing body of the Bank, which takes decision on the main issues of the banking activity in accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders' Rights” and the Charter of the Bank;

**Supervisory Board of the Bank** - governing body carrying out overall management of the Bank's activities, except for issues related to the competence of the General Meeting of Shareholders by the current legislation and the Charter of the Bank;

**Management Board** - collegial executive body of the bank, which carries out operational management of its daily activities;

**Officials of the Bank** - members of the

**«ҚДБ БАНК ЎЗБЕКИСТОН»  
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ СИЁСАТИ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу Корпоратив бошқарув сиёсати «ҚДБ банк Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

1.2. Мазкур Сиёсат амалдаги қонун ҳужжатлари, жумладан янги таҳрирдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлари ҳамда «ҚДБ банк Ўзбекистон» АЖ (кейинги ўринларда “Банк”) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.3. Асосий тушунчалар:

**Банк** – “ҚДБ Банк Ўзбекистон” акциядорлик жамияти;

**Банк акциядорларининг умумий йиғилиши** – Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва Банк уставига мувофиқ банк фаолиятининг асосий масалалари бўйича қарорлар қабул қиладиган банкнинг юқори бошқарув органидир;

**Банк кузатув кенгаши** - Банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширувчи бошқарув органи, амалдаги қонун ва Банк устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно;

**Банк Бошқаруви** – банкнинг коллегиял ижро органи бўлиб, унинг кундалик фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади;

**Банкнинг мансабдор шахслари** - Банкнинг

Supervisory Board and the Management Board;

**Bank employees** - citizens of the Republic of Uzbekistan, who entered into labor relations with the Bank (concluded labor contract), as well as foreign citizens and stateless persons;

## II. CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM OF THE BANK

2.1. The system of corporate governance in the Bank includes the bank management bodies and the Bank's internal audit and internal control bodies.

2.2. The management bodies of the Bank are:

- General Meeting of Shareholders;
- Supervisory Board;
- Management Board.

2.3. The system of internal control bodies of the Bank includes:

- Revision Commission;
- Audit Committee;
- Internal Audit Service (Audit Department).

## III. GENERAL MEETING OF SHAREHOLDERS OF THE BANK

3.1. General Meeting of Shareholders is the supreme governing body of the Bank.

3.2. The Bank shall hold an annual General Meeting of Shareholders (Annual General Meeting of Shareholders).

3.3. The General Meeting of Shareholders shall be held within the time limits set by the Charter of the Bank, but no later than six months after the end of the fiscal year.

3.4. The General Meeting of Shareholders shall be held by the Chairman of the Supervisory Board of the Bank, and in case of his/her absence for a valid reason – by

Кенгаши ва Бошқаруви аъзолари;

**Банк ходимлари** - Банк билан меҳнат муносабатларига киришган (меҳнат шартномаси тузган) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар;

## II. БАНКНИНГ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

2.1. Банкда корпоратив бошқарув тизими банк бошқарув органлари ҳамда банк ички аудит ва ички назорат органларини ўз ичига олади.

2.2. Банк бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув Кенгаши;
- Бошқаруви.

2.3. Банк ички назорат органлари тизимига қуйидагилар киради:

- Тафтиш комиссияси;
- Аудиторлик қўмитаси;
- Ички аудит хизмати (Аудит бошқармаси).

## III. БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

3.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши Банкнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

3.2. Банк ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

3.3. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Банк уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили туганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

3.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини Банк кузатув кенгашининг раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда эса, жамият кузатув кенгашининг аъзоларидан

one of the members of the Supervisory Board.

3.5. The competence of the General Meeting of Shareholders is defined by the Law of the Republic of Uzbekistan “On Joint Stock Companies and Protection of Shareholders’ Rights” and is fixed by the Regulation on the General Meeting of Shareholders of JSC “KDB Bank Uzbekistan” and the Charter of the Bank.

3.6. Supervision over the decision of the General Meeting of Shareholders is carried out by the Supervisory Board, unless otherwise specified in the decision.

3.7. Decisions of the General Meeting of Shareholders are binding on all shareholders, regardless of whether or not they have attended the General Meeting of Shareholders.

3.8. Shareholders of the Bank are responsible for compliance of their decisions with the current legislation.

#### **IV. SUPERVISORY BOARD OF THE BANK**

4.1. The Supervisory Board is a collegial body of the Bank and provides overall management of the Bank, enforcement of decisions of the General Meeting of Shareholders and determines the strategy and direction of development of the Bank, except matters within the exclusive competency of the General Meeting of Shareholders as per legislation and the Charter of the Bank.

4.2. The competence of the Supervisory Board of the Bank is defined by the Laws of the Republic of Uzbekistan “On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders Rights” and “On Banks and Banking

бири олиб боради.

3.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни билан белгиланади, ҳамда “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом ва Банкнинг Уставида мустаҳкамлаб қўйилади.

3.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори ижроси устидан назорат Банк кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади, агар қарорнинг ўзида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса.

3.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари барча акциядорлар учун ижро этилиши шарт, уларнинг акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этган ёки этмаганлигидан қатъий назар.

3.8. Банк акциядорлари ўзлари қабул қилган қарорларнинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги бўйича жавобгардирлар.

#### **IV. БАНКНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

4.1. Банк Кенгаши коллегиял бошқарув органи бўлиб, банкнинг фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари бажарилишини таъминлайди, Банк фаолиятининг стратегияси ва ривожланиш асосий йуналишларининг белгилайди, қонун ҳужжатлари ва уставда фақат акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бундан мустаснодир.

4.2. Банк Кенгашининг ваколат доираси Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ва “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари

Activity” and is fixed by the Regulation on the Supervisory Board of the JSC “KDB Bank Uzbekistan” and the Charter of the Bank.

4.3. The Supervisory Board of the Bank consists of five (5) members and shall be elected by the general meeting of shareholders by cumulative voting for one year.

4.4. Members of the Supervisory Board are appointed by the General Meeting of Shareholders in the manner prescribed by legislation and the Charter of the Bank for a period of one year.

4.5. Persons elected to membership of the Supervisory Board of the Bank can be re-elected. Early termination of an elected member of the Supervisory Board shall be approved by a decision of the General Meeting of Shareholders.

4.6. Members of the Management Board of the Bank cannot be elected as a member of the Supervisory Board. It is not allowed to combine the activities of members of the Supervisory Board of the Bank with other activities under an employment contract at the same bank. Persons who are not shareholders of the Bank may be elected to the Supervisory Board of the Bank in the manner prescribed by law.

4.7. Requirements for candidates to be elected to the Supervisory Board of the Bank shall be determined by the Charter of the Bank or by the decision of the General Meeting of Shareholders.

4.8. Shareholder is entitled to give votes on own shares in favor of one candidate or distribute them among several candidates to the Supervisory Board of the Bank.

4.9. Candidates who gained the highest number of votes shall be considered as elected members of the Supervisory Board.

билан белгиланади ҳамда “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ банк кенгаши тўғрисидаги Низом ҳамда Банкнинг Уставида мустақамлаб қўйилади.

4.3. Банк кузатув кенгаши беш (5) аъзодан иборат бўлиб, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кумулятив овоз бериш йўли билан бир йил муддатга сайланади.

4.4. Банк кузатув кенгаши аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қонун ва банк уставида белгиланган тартибда бир йил муддатга сайланади.

4.5. Банк кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган тарзда қайта сайланиши мумкин. Кенгашнинг сайланган аъзосининг ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра амалга оширилади.

4.6. Банк Бошқарув аъзолари Банк кенгашига сайланиши мумкин эмас. Банк кенгаши аъзоларининг фаолиятини уларнинг ушбу Банкда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича фаолияти билан қўшиб олиб боришига йўл қўйилмайди. Банк кенгашга қонунда назарда тутилган тартибда ушбу банкнинг акциядорлари ҳисобланмаган шахслар ҳам сайланиши мумкин.

4.7. Банк кенгаши таркибига сайлаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар Банк Устави ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

4.8. Акциядор ўзига тегишли акциялар бўйича овозларни тўлиқ бир номзодга беришга ёки уларни Банк кенгаши аъзолигига бир неча номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.

4.9. Овозларнинг энг кўп сонини олган номзодлар Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

4.10. Member of the Supervisory Board shall be entitled to:

- personally take part in the meeting of the Supervisory Board, to speak on the agenda discussed at the meeting within the specified time;
- to receive information about the activities of the Bank;
- other rights stipulated in laws and Bank's Charter.

4.11. Member of the Supervisory Board who has an interest in concluding a transaction by the Bank is obliged to inform the Supervisory Board about his interest prior to conclusion of the transaction. All decisions of the Bank on concluding transaction with interested parties shall be approved by the Supervisory Board. In case of two or more members of the Supervisory Board have interest in transaction, decision on the transaction shall be approved by the General Meeting of Shareholders in established order.

4.12. Members of the Supervisory Board have no right to directly or indirectly receive remuneration to influence on taking certain decisions by the Supervisory Board.

4.13. Members of the Supervisory Board are not entitled to take advantage of the Bank (property or non-property rights, opportunities in the field of economic activity, information on the activities and plans of the Bank) in order to enrich themselves.

4.14. Members of the Supervisory Board are obliged to carry out their duties in good faith and by using best methods taking into consideration interests of the Bank.

4.15. Members of the Supervisory Board of the Bank shall bear responsibility for the

4.10. Кенгаш аъзоси қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- кенгаш мажлисида шахсан қатнашиш, йиғилишда муҳокама қилинаётган масала юзасидан регламент билан ажратилган вақт доирасида сўзга чиқиш;
- кенгаш қарорига кўра муайян даврда акциядорлик жамиятининг фаолияти, уни ривожлантириш режалари тўғрисида ахборот олиш;
- қонун ҳужжатлари ва Банк Уставида белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

4.11. Кенгашнинг Банк битим тузишидан манфаатдор бўлган аъзоси ўз манфаатдорлиги тўғрисида ёзма равишда Банкни битим тузилиши пайтигача маълум қилиши шарт. Банкнинг манфаатдор шахслар билан битим тузиш тўғрисидаги барча қарорлари Банк кенгаши томонидан қабул қилинади. Агар Банк кенгашининг икки ва ундан ортиқ аъзоси битим тузишдан манфаатдор шахс бўлса, битим бўйича қарор Қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.12. Кенгаш аъзолари кенгаш томонидан у ёки бу қарорларни қабул қилишга таъсир кўрсатганлик учун бевосита ёки билвосита ҳақ олиш ҳуқуқига эга эмас.

4.13. Кенгаш аъзолари банк имкониятлари (мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлар, хўжалик фаолияти соҳасидаги имкониятлар, банкнинг фаолияти ва режалари тўғрисидаги ахборот) дан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас.

4.14. Кенгаш аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Банк манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

4.15. Банк кенгашининг аъзолари Банк олдида қонун ҳужжатларига ва Банк Уставига

Bank in accordance with the legislation and the Charter. In case if they do not participate in voting or voted against the resolution, which causes losses to the Bank, they shall be exempted from responsibility.

4.16. Bank or shareholder (s) who holds not less than one percent of common shares of the Bank have the right to apply to the court against a member of the Supervisory Board for damages caused to the Bank.

## **V. MANAGEMENT BOARD**

5.1. The Management Board of the Bank is a collegial executive body and manages the current activities of the bank.

5.2. The number of members of the Board of the Bank shall be determined by the Charter of the Bank.

5.3. Chairman of the Board is appointed by the decision of the Supervisory Board, then approved by the General Meeting of Shareholders. Members of the Management Board are appointed by the Supervisory Board of the Bank.

5.4. Consideration and approval of candidates for the Management Board shall be made by the Supervisory Board by a simple majority vote.

5.5. The General Meeting of Shareholders shall consider the agenda on approval of the Chairman of the Board elected by the Supervisory Board of the Bank.

5.6. The Chairman of the Board shall possess the necessary qualifications, powers and discipline required for the management of the banking business and the proper oversight of the most important employees of the Bank.

5.7. The competence of the Board of the Bank is defined by the Laws of the Republic of Uzbekistan "On Joint-Stock Companies and Protection of Shareholders Rights" and

мувофиқ жавоб берадилар. Бунда овоз беришда қатнашмаган ёки банкка зарар етказувчи қарорга қарши овоз берган кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинади.

4.16. Банк ёки банкнинг жойлаштирилган оддий акцияларининг камида бир фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) банкка етказилган зарарларни қоплаш тўғрисида кенгаш аъзосига нисбатан даъво билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## **V. БАНК БОШҚАРУВИ**

5.1. Банк Бошқаруви коллегиял ижро органи бўлиб, банкнинг жорий фаолияти устидан раҳбарликни амалга оширади.

5.2. Банк Бошқаруви аъзоларининг сони Банк Устави билан аниқланади.

5.3. Бошқарув раиси лавозимга банк Кенгаши қарори билан тайинланади, кейинчалик акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади. Бошқарув аъзолари банк кузатув кенгаши томонидан тайинланадилар.

5.4. Бошқарув аъзолигига номзодлар кўриб чиқилиши ва тасдиқланишида Кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз бериш йўли билан қарор қабул қилинади.

5.5. Акциядорлар Умумий йиғилишида банк Кенгаши томонидан сайланган Банк Бошқаруви Раисини тасдиқлаш ҳақидаги масала кўриб чиқилади.

5.6. Бошқарув Раиси банк ишларини бошқариш учун зарур малака, ваколатга эга ва тартибли бўлиши ҳамда банкнинг энг муҳим ходимлари фаолиятини тегишли тарзда назорат қилиши лозим.

5.7. Банк Бошқаруви ваколат доираси Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ва "Банклар ва



“On Banks and Banking Activities” and is fixed by the Regulation on the Management Board of JSC “KDB Bank Uzbekistan” and the Charter of the Bank.

5.8. At the same time, members of the Management Board are trustees of the Supervisory Board of the Bank and the Shareholders of the Bank and must therefore put the interests of the Bank and its Shareholders ahead of their own interests.

## **VI. INTERNAL CONTROL BODIES OF THE BANK CORPORATE GOVERNANCE**

6.1. Internal control bodies of the Bank Corporate Governance consist of Revision Commission, Audit Committee and Internal Audit service (Audit department).

6.2. The Revision Commission shall be elected by the General Meeting of Shareholders for one year to supervise the financial and economic activities of the Bank and its branches in accordance with the Charter of the Bank.

6.3. Bank **Revision Commission** carries out its activities in accordance with the current legislation, the Regulation on the Revision Commission of the JSC “KDB Bank Uzbekistan” and the Charter of the Bank.

6.4. The composition of the Revision Commission may not be less than three (3) members. The Revision Commission is elected for one year. The same person may not be elected to the Revision Commission more than three times in a row.

6.5. Members of the Supervisory Board and Management Board, as well as employees of the Internal Audit Service may not be members of the Bank's Revision Commission at the same time.

6.6. Audit of financial and economic

банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари билан белгиланади, ҳамда “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ банк бошқаруви тўғрисидаги Низом, ҳамда Банкнинг Уставида мустаҳкамлаб қўйилади.

5.8. Шу билан бирга, Бошқарув аъзолари банк Кенгаши ва банк акциядорларининг ишончли шахслари ҳисобланади ва шу сабаб банк ва унинг акциядорлари манфаатларини ўз манфаатларидан устун қўйишлари шарт.

## **VI. БАНК КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВИНИНГ ИЧКИ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ**

6.1. Банк корпоратив бошқарувининг ички назорат органларига Тафтиш комиссияси, Аудиторлик қўмитаси ва Ички аудит хизмати (Аудит бошқармаси) киради.

6.2. Банкнинг ва унинг филиалларининг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун Банк Уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга Тафтиш комиссияси сайланади.

6.3. Банк **Тафтиш комиссияси** ўз фаолиятини амалдаги қонун ҳужжатлари, “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом ва Банк Устави асосида амалга оширади.

6.4. Тафтиш комиссиясининг таркиби уч (3) кишидан кам билиши мумкин эмас. Тафтиш комиссияси бир йилга сайланади. Айни бир шахс тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

6.5. Банк қузатув кенгашининг ҳамда бошқарувининг аъзолари, шунингдек ички аудит хизмати ходимлари бир вақтнинг ўзида Банк тафтиш комиссиясининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

6.6. Банкнинг молия-хўжалик фаолиятини

activities of the Bank for one year period or other period shall be carried on the basis of decision of the Supervisory Board at the initiative of the Revision Commission, the General Meeting of Shareholders or at the request of the shareholder(s) holding at least 5% of voting shares of the Bank at any time.

6.7. Revision commission can carry out the following activities:

- checking the financial and economical documents, comparing the property inventory with primary/source accounting documents;
- checking the legality of contracts and transactions concluded on behalf of the bank, settlements with contractors;
- analysis of the accounting and statistical reports on compliance with existing laws and regulations;
- checking on compliance to the rules and regulations on banking activities;
- analysis of the financial condition of the bank;
- making recommendations to the Supervisory Board on improvement of economic condition of the Bank;
- taking control over the timely and proper execution of the payments to the budget, taxes and other obligatory payments;
- checking the correctness of dividend calculation and its payment;
- checking the correctness of the balance sheet of the bank, reports to be submitted to the CBU and government authorities;
- checking the correctness of the decisions taken by the Supervisory Board and Management Board in compliance with legislation, the bank's Charter and the decisions of the General Meeting of

текшириш бир йиллик фаолият якунлари буйича, шунингдек исталган вақтда тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра, Банк кенгашининг қарорига биноан амалга оширилади.

6.7. Банк тафтиш комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- Банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳужжатларини текшириш, мол-мулкни инвентаризация қилиш бўйича маълумотларни бухгалтерия ҳисобининг дастлабки ҳужжатлари билан таққослаш;
- Банк томонидан тузилган шартномалар ва битимлар, контрагентлар билан бўладиган ҳисоб-китобларнинг қонунийлигини текшириш;
- Бухгалтерлик ва статистик ҳисоботларнинг мавжуд меъёрий ҳужжатлар билан мувофиқлигини таҳлил қилиш;
- Банк фаолиятини тартибга солиш буйича ўрнатилган қоидалар, меъёрий ҳужжатларга риоя қилинишини текшириш;
- Банкнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш;
- Банк иқтисодий ҳолатини яхшилаш бўйича Банк Кенгашига тавсияномалар ишлаб чиқиш;
- Банк томонидан бюджетга тўловлар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ва ўз вақтида амалга оширилишини текшириш;
- дивидендларни ҳисоблаш ва тўланишини текшириш;
- Банк бухгалтерлик балансининг тайёрланиши, Марказий банк ва давлат бошқарув органларига тақдим этиладиган ҳисоботларни тўғрилигини текшириш;
- Банк Кенгаши ва Бошқаруви қабул қилган қарорларнинг, амалдаги қонунчилик, Банк Устави ва акциядорларнинг умумий

Shareholders.

6.8. The **Audit Committee** of the Bank is responsible for organization of control over reliability, efficiency of the corporate governance system in the Bank, as well as objectivity and completeness of financial reporting.

6.9. The Audit Committee is a collegial body which provides control over of the Bank's internal control system and activities of the Internal Audit Service, acting within the powers granted by the Supervisory Board of the Bank and subordinated directly to the Supervisory Board of the Bank.

6.10. Membership of the Audit Committee is approved by the decision of the Supervisory Board of the Bank. The Committee shall consist of only members of the Supervisory Board and at least three members. Members of the Supervisory Board of the Bank, which are members of the Audit Committee, should not be appointed to other committees of the Board responsible for banking activities.

Audit Committee members should have higher education and sufficient work experience to organize the functions and activities of the audit service.

At least one member of the Audit Committee must have the qualifications in financial reporting and specialization in accounting or auditing.

Members of the Management Board or other executives of the bank cannot be included in the Audit Committee.

6.11. Candidates for Audit Committee members are invited by the Chairman of the Supervisory Board of the Bank.

6.12. The main purpose of the Audit Committee is to establish a system of internal control over banking activities and

йиғилиши қабул қилган қарорларга мослигини текшириш.

6.8. Банкнинг **Аудиторлик қўмитаси** Банкда Корпоратив бошқарув тизимининг ишончлилиги, самарадорлиги ҳамда молиявий ҳисоботларнинг ҳаққонийлиги ва тўлиқлиги устидан назоратнинг ташкил этилиши бўйича масъул ҳисобланади.

6.9. Аудиторлик Қўмитаси Банкда тегишли ички назорат тизимини ташкил этиш ва Ички аудит хизмати фаолиятни назорат қилишни таъминловчи коллегиал орган бўлиб, Банк Кенгаши томонидан берилган ваколатлар доирасида ўз фаолиятини амалга оширади ва бевосита Банк Кенгашига бўйсунди.

6.10. Аудиторлик Қўмитаси таркиби Банк Кенгаши қарори билан тасдиқланади. Қўмита таркибига фақатгина банк Кенгаши аъзолари киритилиши, аъзолари сони уч кишидан кам бўлмаслиги лозим.

Аудиторлик қўмитаси таркибига кирувчи банк Кенгаши аъзолари банк фаолиятига жавоб берадиган бошқа Кенгаш қўмиталари таркибига тайинланмаслиги лозим.

Аудиторлик қўмитаси аъзолари аудит хизмати вазифалари ва фаолиятини ташкиллаштириш учун олий маълумотга ва етарли иш тажрибасига эга бўлиши лозим.

Аудиторлик қўмитаси аъзоларининг камида битта аъзоси молиявий ҳисоботларни тузишда малакага ҳамда бухгалтерлик ҳисоботи ёки аудит бўйича мутахассисликка эга бўлиши лозим.

Аудиторлик қўмитаси таркибига банк Бошқарув аъзолари ёки бошқа банк раҳбар ходимлари киритилиши мумкин эмас

6.11. Аудиторлик Қўмитаси аъзоларининг номзодлари Банк Кенгаши Раиси томонидан таклиф қилинади.

6.12. Аудиторлик Қўмитаси асосий мақсади банк фаолияти юзасидан ички назорат тизимини ташкил этиш ва ушбу тизимнинг

to ensure its effective functioning.

The main objectives of the Audit Committee are:

Examination of audit service reports provided after conducting internal audits;

Study and submit quarterly reports on internal audit to the Supervisory Board of the Bank;

Practical assistance to the Bank's Supervisory Board in setting technical specifications for external audits;

Practical assistance to the Supervisory Board of the Bank in selection of external audit organizations and evaluation of their proposals;

Coordinating the work and the process of implementing the recommendations of the audit service and external auditors to the Management Board of the Bank;

Examination and submission of reports and recommendations by external auditors to the Supervisory Board of the Bank.

6.13. The Secretary of the Committee shall coordinate the preparation of issues to be considered at the Audit Committee meeting.

6.14. The Secretary of the Audit Committee – is the Head of Audit Department.

6.15. The main tasks and activities of the Audit Committee of the Bank are determined by the Regulation "On the Audit Committee", approved by the Supervisory Board of the Bank.

6.16. The Bank **Internal Audit service (Audit department)** shall be accountable to the Audit Committee and Supervisory Board of the Bank. The number and personnel of the Internal Audit Service are established in accordance with the current legislation.

6.17. The following persons shall not be

самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш ҳисобланади.

Аудиторлик қўмитасининг асосий вазифалари:

Ички аудит текширувлари ўтказилгандан сўнг тақдим этиладиган аудит хизмати ҳисоботларини ўрганиш;

Ички аудит бўйича чораклик ҳисоботларини ўрганиш ва банк Кенгашига тақдим этиш;

Ташқи аудит текширувларига техник вазифаларни белгилашда банк Кенгашига амалий ёрдам бериш;

Ташқи аудиторлик ташкилотларини танлашда ва улар томонидан берилган таклифларни баҳолашда банк Кенгашига амалий ёрдам бериш;

Аудит хизмати ва ташқи аудиторларнинг банк Бошқарувига берган тавсияларини бажарилиш жараёнини бошқариш ишини мувофиқлаштириш;

Ташқи аудиторлар томонидан берилган ҳисоботни ҳамда банк раҳбариятига берилган тавсияларни ўрганиб чиқиш ва банк Кенгашига тақдим этиш.

6.13. Аудиторлик Қўмитаси йиғилишида кўриладиган масалаларни тайёрлаш ишларини мувофиқлаштириш Қўмита котиби томонидан амалга оширилади.

6.14. Аудиторлик Қўмитаси котиби – Аудит бошқармаси бошлиғи бўлади.

6.15. Банк Аудиторлик Қўмитасининг асосий вазифалари ва иш фаолияти банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган “Аудиторлик қўмитаси тўғрисида”ги Низом билан белгиланади.

6.16. Банк **Ички аудит хизмати (Аудит бошқармаси)** банк Аудит Қўмитаси ва Кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

6.17. Қўйидаги шахслар ички аудит хизмати

entitled to occupy positions of Internal Audit department:

- have been found guilty of crimes arising from economic activities or crimes against the government, have been fined administratively for the benefit of public services and local governments or for financial, tax and securities market offenses;
- is a member of the Board of the Bank;
- participants, executives, members of the Management Board or employees of the other legal entities that compete with the Bank.

6.18. Other requirements for persons who are members of the Internal Audit Service may be established by the Supervisory Board by taking into consideration the requirements of the Central Bank.

6.19. Internal Audit Service carries out analysis and monitoring of internal control of the Bank and its branches and organizes control activities to ensure efficient operation of the Bank by providing objective review, evaluation, recommendations and information on the main results of banking activities to the Bank's Board and the Management Board.

6.20. The main tasks and activities of the Internal Audit Department are defined by the Regulation "On Internal Audit Service", approved by the Supervisory Board of the Bank.

## **VII. ENSURING TRANSPARENCY OF BANKING ACTIVITY AND INFORMATION DISCLOSURE**

7.1. The Bank ensures transparency of activities and effective information interaction with shareholders, investors and other interested parties by:

- ensure the publication of information

ходими лавозимларини эгаллаш ҳуқуқига эга эмас:

- иқтисодий фаолият ёки ҳукуматга қарши жиноят содир этганлиги учун айбдор деб топилган, давлат ва маҳаллий ҳокимият манфаатларига қарши ёки молия, солиқ ва қимматли қоғозлар соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун жиноий жавобгарлик қўлланилган;

- Банк Бошқаруви аъзоси ҳисобланган;
- Банк билан рақобатдош бўлган бошқа юридик шахсларнинг иштирокчилари, раҳбар ходимлари, Бошқарув аъзолари ёки ишчилари ҳисобланган.

6.18. Ички аудит хизмати таркибига кирувчи шахсларга нисбатан қўйиладиган бошқа талаблар Банк Кенгаши томонидан Марказий банк талабларини ҳисобга олган ҳолда ўрнатилиши мумкин.

6.19. Ички аудит хизмати Банк ва унинг филиалларида ички назорат бўйича таҳлил ва мониторингни амалга оширади ҳамда банк Кенгаши ва Банк Бошқарувига банк фаолиятининг асосий натижалари бўйича объектив таҳлил, баҳо, тавсиялар ва маълумотлар тақдим этиш орқали банкнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш юзасидан назорат ишларини ташкил этади.

6.20. Ички аудит бошқармасининг асосий вазифалари ва иш фаолияти банк Кенгаши томонидан тасдиқланадиган "Ички аудит хизмати тўғрисида"ги Низом билан белгиланади.

## **VII. БАНК ФАОЛИЯТИ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА АХБОРОТНИ ОШКОР ҚИЛИШ**

7.1. Банк фаолиятининг очиклиги, шунингдек акциядорлар, инвесторлар ва бошқа манфаатдор томонлар билан ўзаро самарали ҳамкорликни қуйидагича таъминлайди:

- Банк веб-сайтида ва қонун ҳужжатларида

subject to mandatory disclosure on the Bank's website and in other sources provided by law, with translation into English, Russian and other languages, convenient for shareholders and other interested parties, including foreign investors;

- publish the rationale for the proposed distribution of net profit, the amount of dividends, assess their compliance with that adopted in the dividend policy, as well as, if necessary, clarify and economic justify the volumes of the direction of a certain part of the net profit for the Bank's development needs.

7.2. The main principles of information disclosure are regularity, efficiency, accessibility, completeness, equality, balance, security of information resources.

7.3. The Bank discloses information subject to mandatory disclosure in the amounts, terms and methods specified by the laws or by-laws of the Republic of Uzbekistan

7.4. Mandatory disclosure of information is carried out:

- on the Single Portal of Corporate Information (official website of the authorized state body for regulating the securities market), ([openinfo.uz](http://openinfo.uz));
- on the official website of the stock exchange ([uzse.uz](http://uzse.uz));
- on the Bank's corporate website ([kdb.uz](http://kdb.uz));
- in mass media.

7.5. Documents containing information subject to mandatory disclosure on the official website of the authorized state body for regulating the securities market or stock exchange are:

- securities issue prospectus (in case of public offering of securities);
- annual report of the Bank, including those

назарда тутилган бошқа манбаларда ошкор этилиши шарт бўлган, акциядорлар ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан чет эл инвесторлари учун қулай бўлган инглиз, рус ва бошқа тилларга таржима қилинган ҳолда эълон қилинишини таъминлаш;

- таклиф этилаётган соф фойдани тақсимлаш асосини, дивидендлар миқдорини эълон қилиш, уларнинг дивиденд сиёсатида қабул қилинганига мувофиқлигини аниқлаш, шунингдек, зарурат туғилганда, аниқ фойда Банкнинг эҳтиёжлари учун йўналтириш хажмларини тушунтириш ва иқтисодий асослаш

7.2. Ахборотни ошкор этишнинг асосий принциплари – бу мунтазамлик, тезкорлик, фойдаланиш имконияти, тўлиқлик, тенглик, мувозанат, ахборот ресурсларининг хавфсизлиги.

7.3. Банк мажбурий равишда ошкор этилиши лозим бўлган маълумотни Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёки қонун ости ҳужжатларида белгиланган хажмларда, муддатларда ва усулларда ошкор қилади.

7.4. Маълумотларнинг мажбурий ошкор этилиши:

- Корпоратив ахборот ягона порталида (қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайти), ([openinfo.uz](http://openinfo.uz));
- фонд биржасининг расмий веб-сайтида ([uzse.uz](http://uzse.uz));
- Банкнинг корпоратив веб-сайтида ([kdb.uz](http://kdb.uz));
- оммавий ахборот воситаларида.

7.5. Қимматли қоғозлар бозорини ёки фонд биржасинин тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида мажбурий равишда ошкор этилиши шарт бўлган маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжатлар:

- қимматли қоғозлар эмиссия рисоласи (қимматли қоғозларни оммавий

prepared in accordance with International Financial Reporting Standards;

- report on the results of the first quarter, first half of the year and nine months;
- a statement of a substantial (material) fact in the activities of the Bank.

7.6. The following information is subject to mandatory disclosure in the media:

- announcement of the general meeting of shareholders;
- notification of a change in location (postal address) and email address;
- an offer to shareholders of the Bank with a preemptive right to purchase shares or issue securities convertible into shares;
- information on the repurchase of shares by the Bank;
- information on the liquidation of the Bank, as well as on the procedure and deadline for making claims by its creditors.

## **VIII. INTERNAL DOCUMENTS OF THE BANK DEFINING THE CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM**

8.1. Internal documents of the Bank which define the Corporate Governance System are:

- Regulation on the General Meeting of Shareholders of JSC “KDB Bank Uzbekistan”;
- Regulation on the Supervisory Board of JSC “KDB Bank Uzbekistan”;
- Regulation on the Management Board of JSC “KDB Bank Uzbekistan”;
- Regulation on the Revision Commission of JSC “KDB Bank Uzbekistan”;
- Regulation on the Audit Committee of JSC “KDB Bank Uzbekistan”;
- Regulation on the Internal Audit Service

жойлаштиришда);

- Банкнинг йиллик ҳисоботи, шу жумладан халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тайёрланган;
- биринчи чорак, биринчи ярим йил ва тўққиз ой яқунлари бўйича ҳисобот;
- Банк фаолиятидаги муҳим фактни тасдиқлаш.

7.6. Қуйидаги маълумотлар мажбурий равишда оммавий ахборот воситаларида ошкор этилиши шарт:

- акциядорларнинг умумий йиғилишини чақириш;
- манзил (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгаргани тўғрисида хабарнома;
- имтиёзли ҳуқуқга эга Банк акциядорларига акциялар ёки акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида таклиф бериш;
- Банк томонидан акцияларни қайта сотиб олиш тўғрисида маълумот;
- Банкни тугатиш тўғрисида, шунингдек унинг кeredиторлари томонидан талаблар бериш тартиби ва муддати тўғрисида маълумот.

## **VIII. КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН БАНКНИНГ ИЧКИ ҲУЖЖАТЛАРИ**

8.1. Корпоратив бошқарув тизимини белгилайдиган Банкнинг ички ҳужжатлари қуйидагилардан иборат:

- “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низом;
- “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Банк Кенгаши тўғрисидаги Низом;
- “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Банк Бошқаруви тўғрисидаги Низом;
- “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низом;
- “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Аудиторлик қўмитаси тўғрисидаги Низом;
- “ҚДБ Банк Ўзбекистон” АЖ Ички аудит

of JSC “KDB Bank Uzbekistan”;

хизмати тўғрисидаги Низом;

## **IX. FINAL PROVISIONS**

9.1. The present Policy shall be approved by the Supervisory Board by a simple majority voting.

9.2. Decisions on amendments and additions to the present Policy are taken by the members of the Supervisory Board by simple majority voting.

9.3. In case of introduction of any changes into the legislation of the Republic of Uzbekistan or Bank’s Charter, requirements or paragraphs of the present Policy, which become controversial to the laws and Charter of the Bank, such requirements or paragraphs shall be ineffective thereafter.

9.4. The present Policy comes into the force from March 6, 2020.

## **IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

9.1. Мазкур Сиёсат Банк кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

9.2. Ушбу Сиёсатга қўшимча ва ўзгартиришлар тўғрисидаги қарор Банк кузатув Кенгаши аъзоларининг оддий кўпчилик овоз билан тасдиқланади.

9.3. Агар, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ёки Банк уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар натижасида мазкур Сиёсат талабларининг айримлари ёки бандлари қонун ҳужжатлари ва Банк уставига зид бўлиб қолса, улар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

9.4. Ушбу сиёсат 2020 йил 6 март кунидан эътиборан кучга киради.